



## Амир Тему́р мақбараси

Марказий Осиё меъморчилигининг ноёб асари сифатида эътироф этилган Амир Тему́р мақбарасининг қурилиши 1403 йилда бошланиб, 1424 йилда тугатилган. Мақбара Амир Тему́рнинг тахт вориси, деб эълон қилинган набираси Муҳаммад Султон учун қурдирилган. Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиёга қилган сафари вақтида, 29 ёшида бевақт вафот этади. Шахзода Самарқандга келтирилиб, дастлаб масжиднинг хонақосида дафн қилинади.

Мақбара саккиз бурчакли гумбаз асосида барпо этилган. Ҳозирги замон мутахассисларини ҳам бирмунча ўйчанлик билан фикрлашга ундайди.

Бинонинг мўътадил ҳароратини сақлаш, Шарқона қурилиш услублари орқали эл ардоғида бўлган шахсларни ўзига хос ҳурмат билан улуғлаш, уларнинг буюклигини бежирим безаклар орқали ифодалаш каби хусусиятлари ҳар қандай кишини лол қолдиради. Соҳибқирон Амир Тему́р ҳам ушбу мақбарадан (1405 йил) абадий кўним топган.

1409 йилда Амир Тему́рнинг кенжа ўғли, Хуросон ҳукмдори Шохрух Мирзо отасининг маънавий пири Мирсаид Бараканинг жасадини (турбати) Андхойдан олиб келтириб, шу мақбарага, Соҳибқироннинг бош томонига дафн эттиради. Бу билан отаси – Амир Тему́рнинг васиятини бажаради.

1424 йилда Мирзо Улуғбек томонидан мақбара саҳнига қабртошлар қўйилиб, атрофи нафис мрамор тошдан қилинган панжара билан ўралди ва кўк гумбазли галерия қурилиб, зиёратхонага Шарқ томондан қилиниши таъминланди. Мақбаранинг ички томони тилла суви югуртирилган бўртма қоғоз нақши билан безатилган.

Безакларда ишлатилган композицияда Қуръони Карим оятлари исломий, ҳандасавий нақшлар ҳамда арабий хаттотлик санъатининг калиграфик нақшлари билан битилган. Мақбарага, шунингдек, Мироншоҳ Мирзо ва Шохрух Мирзо ҳам дафн этилиб, темурийлар хилхонасига айланган.

1449 йилда Мирзо Улуғбек ҳам шу мақбарага, бобосининг пойига дафн этилган. Мустақиллик йилларида, Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудининг 660 йиллиги ва Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мақбарада катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. XIX асрнинг охирида кулаб тушган минора ва гумбазнинг зар куббаси қайта тикланди.

---

## Довуд алайҳиссалом зиёратгоҳи

Довуд алайҳиссалом Ислом оламида пайғамбар саналган. Ушбу зот орқали муқаддас □□□□□□□□ китоби нозил бўлган. Маълумотларда келтирилишича, Довуд алайҳиссалом тоат-ибодат қилганлиги учун Аллоҳ таоло уни нафақат пайғамбар, балки дунёвий подшо ҳам қилиб қўйган.

Довуд алайҳиссаломнинг ниҳоятда чиройли ва ширадор овози бўлган. Унинг қўшиқларини эшитган кишиларнинг юракларида меҳр-окибат пайдо бўлар экан. Довуд алайҳиссаломнинг тинимсиз ибодатлари натижасида Аллоҳ уни подшоҳ даражасига етказди. Аллоҳ унга шундай амр этган экан: □□□□□ Довуд, биз сени ер юзида элчи қиламиз. Одамлар орасида адолат билан ҳукм юритгин ва манфаатларга берилмагин. Зеро, бундайлардан Тангри юз ўгиради. Кимки, ҳақ йўлидан чиқса, улар оғир жазоланади. Зеро, улар ҳисоб-китоб куни борлигини унутишган”.

Довуд алайҳиссалом подшо бўлса-да, тирикчиликни қўл меҳнати билан топар эди. Унинг эътиқоди

бўйича ҳалол лўқма фақат инсоннинг пешана териси билан топилгани эди. Диний манбаларда келтирилишича, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга темирнинг устидан ҳукм юритиш мўъжизасини ато қилган. Эмишки, темир у кишининг қўлида мумдек эриб, пайғамбар хоҳлаган шаклга кирар экан. Шу сабабли у киши темирчилик билан шуғулланган ва қўплаб меҳнат ва жанг қуроллари ясаган. Аллоҳ таоло унга келажакда пайғамбар бўладиган ва инсу-жинсга ҳокимлик қиладиган Сулаймон исмли ўғилни ато қилди.

---

### **Имом Мотуридий □ мақбараси**

Калом илмида мотуридия оқимининг асосчиси, Исллом оламида Имом-ул-Ҳудо (Ҳидоят имоми) деб танилган буюк илоҳиёт олими, фақиҳ, шайх Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ханафий ал-Мотуридий 870 йилда Самарқанднинг Мотурид мавзесида туғилган. Дастлаб мактабда савод чиқариб, кейин мадраса таълимини олган.

Имом ал-Мотуридий Имом Ашъарий, Рудакий, Абул Ҳасан Балхий, Фаробий каби олимлар билан бир замонда яшаб, имом Муҳаммад ал-Бухорийни ўзининг маънавий устози, деб билган. Алишер Навоий Имом ал-Мотуридийнинг шаънини улуғлаб, у кишига □ □ □ □ □ □ уламолар султони □ □ □ дея юксак баҳо берган.

IX-X асрларда Исллом динини нотўғри тарғиб ва талкин қилувчилар кўпайганлиги сабабли Имом ал-Мотуридий ўзининг асарлари билан уларга қарши курашади. Унинг □ □ □ □ □ □ ал-Тавҳид □ □ □ асари алоҳида ўрин тутди. Имом ал-Мотуридий 944 йилда Самарқандда вафот этади ва шаҳардаги Чокардиза қабристонига дафн этилади.

Юртбошимиз раҳнамолигида 2000 йилда алломанинг 1130 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди, имом қабри устида янги мақбара барпо этилди.